

Январь 2008 йил

3-сон



**Бу сонда:**

Гендер	2
Ҳуқуқ	2
АКТ	3

## Хотин-қизлар қўмитаси, БМТРД энг яхши журналистларни тақдирлади

2008 йил 25 январ куни бир гуруҳ ўзбек журналистлари гендер мавзусига бағишланган танлов доирасида тақдирланди.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг мамлакатимиз бўйича тавсияларини бажаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида аёлларни камситишга барҳам бериш масаласини ёритиш вазифасидаги танлов Бирлашган миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2007 йил август ойида зълон қилинган эди.

Танловнинг асосий мақсади гендер соҳасида ҳуқуқий онгни ошириш, Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига барҳам бериш конвенцияси ғоялари тўғрисидаги билимни жамиятда тарқатишга

қўмаклашашиш ва шу йул билан жамият аъзолари ҳамда айнан шу масалалар билан шуғулланувчи кишилар онгида гендерга боғлиқ салбий фикларни йўқотиш учун хизмат қилаётган журналистларни рағбатлантиришдан иборат эди.

Тадбир «Ўзбекистон хотин-қизларининг имкониятларини кенгайтириш учун институционал ва ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш» Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан БМТРДнинг ҳамкорликдаги лойиҳаси томонидан ташкил қилинди. Лойиҳа мақсади унинг қоидаларига Ўзбекистон ҳудудида амал қилиниши механизмлари тўғрисидаги билимни тарқатиш, мазкур конвенция қўмитасининг Ўзбекистонга берган тавсияларини бажаришга қўмаклашиш ва жамоатчиликнинг гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгини оширишдир.

Танловда жамми 17 нафар журналист 50 дан зиёд иши билан иштирок этди. Танлов хайъати аъзолари халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат эди. Хайъат аъзоларининг қарорига кўра, ургенчлик Дилбар Бекчанова босма оммавий ахборот воситаларидаги ишлар орасида биринчи ўринни, тошкентлик Галия Ибрагимова ва термезлик Гулбахар Тангировалар эса иккинчи ўринни қўлга киритди. Яна бир тошкентлик журналист Хафиза Бурхонова эса учинчи ўрин билан тақдирланди. Тошкентлик Наргис Касимова ва фарғоналик Салимахон Рустамова интернет ва телевидения йўналишлари бўйича энг яхши журналистлар деб топилди. Камола Атаджанова аёллар ва гендер масалаларига бағишланган блог учун махсус совға билан тақдирланди.

БМТРДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари,

### Хотин-қизлар кўмитаси, БМТРД энг яхши журналистларни тақдирлади

Киоко Постилл ўз нутқида шундай деди: “Танловга тақдим эилган ишларнинг кўпи Ўзбекистондаги аёлларнинг кундалик муаммоларига бағишланган. Лекин ҳали ҳам оммавий ахборот воситаларида ёритилиши лозим бўлган масалалар кўп. Биз ОАВ аҳолининг онгини оширишда, ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг маълумот олишида муҳим роль ўйнашини унутмаслигимиз керак. Журналистлар ёрдамида биз жамиятдаги гендер камситилишлар ва стереотипларни аниқлашга ҳамда уларни йўқ қилишга эришишимиз мумкин”.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон

Республикаси аёллари ва эркаклари» номли статистик тўпламнинг тақдими бўлиб ўтди. Бу тўплам мунтазам равишда (камида икки йилда бир марта) нашр этилади. Ушбу статистик тўплам Ўзбекистон Республикаси статистика Давлат кўмитасининг БМТРД, Осиё таррақиёт банки (ОТБ), Хотин-қизлар кўмитаси ва Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистонда гендер тараққиётига бағишланган навбатдаги нашр ҳисобланади. Унда гендер нуқтаи назаридан демографик статистика, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва ишсизлик, ижтимоий ҳимоя ва

жиноятчилик ва бошқа кўрсаткичлар берилган. Тўпламга биринчи марта аёллар ва эркакларнинг иқтисодий фаолияти, маълумоти, ёшини мувофиқлаштирган ҳолда бўш вақтларидан фойдаланиши, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ жойларида ўтказилган айрим таҳлиллар натижалари киритилган.

Тадбирда Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт Банки, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ўзларининг гендер бўйича дастурлари ва тажрибалари ҳақида маълумот берди.

### Тошкентлик ўсмирлар мулк ҳуқуқи бўйича билим олдилар

Тошкент шаҳрида жойлашган 210-сонли мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари мулк ҳуқуқи бўйича ўз билимларини 14 январ куни бўлиб ўтган тренингда оширдилар. Мазкур тренинг Жаҳон Иқтисодиёт ва Дипломатия Университети (ЖИДУ) қошидаги юридик клиникаси талабалари БМТ Ривожланиш Дастури (БМТРД) кўмагида ташкил этдилар.

Мазкур тренинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш Дастурининг (БМТРД) “Одил судловга имкон яратиш учун ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий саводхонлик” лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Лойиҳа юридик хизматлардан фойдаланишга имкони бўлмаган ёки имкони чекланган аҳолининг одил судловдан фойдалана олишларига имконият яратишга қаратилган.

Тренингда ўн бешга яқин 15-16 ёшлик ўсмирлар иштирок этдилар. Тренинг ўсмирларнинг ҳуқуқий билимини ва мулк ҳуқуқи бўйича билимларни оширишга қаратилган.

Иштирокчилар фуқаролик ҳуқуқи бўйича



асосий билимлар, жумладан, келишувлар тузиш, мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи каби масалалари билан танишдилар.

Ушбу тренинг юридик клиника талабаларига ҳам фойда келтирди. Тренинга тайёргарлик жараёнида мулк ҳуқуқи бўйича билимларини чуқур-

лаштирдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқдилар.

ЖИДУ қошидаги юридик клиникаси 2008 йилда ёшлар учун турли қонунчилик соҳаларига бағишланган тренингларни ўтказишни режалаштирмоқда.

## ICTP лойиҳаси эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиряпти

БМТнинг Ривожланиш Дастурининг «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази (ЁДТҚМ) билан биргаликда ахборот технологиялари бўйича 3та ўқув қўлланмаси чиқарди. Булар:

1. «LINUXга кириш ва маъмураштириш».
2. «MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими».
3. «HTML, DHTML, Java Script, PHP».

Ушбу ўқув материаллари эркин ва очиқ кодли дастурий таъминот (ЭОҚДТ) бўйича чиқарилган дастлабки ўқув қўлланмадир.

Бу китоблар дастурий таъминот ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш борасида ICTP лойиҳаси билан ЁДТҚМ ўртасидаги яқин ҳамкорлик натижаси бўлди.

«LINUXга кириш ва маъмураштириш» ўқув қўлланмаси ўқувчиларни GNU/Linux очиқ кодли операцион тизим, турли дистрибутивлар билан таништиради, бу тизимнинг имкониятлари ҳамда фойдаланиш дастурларини таърифлайди. Шунингдек, китобда GNU/Linux операцион тизим негизида компютерлар ва тармоқларни тизимли маъмураштириш бўлими бор.

«MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими» китобида MySQL маълумотлар базаларини бошқаришнинг замонавий тизими тўғрисида ахборот берилган. Очиқ бошланғич кодли ушбу тизим веб иловалар ва сайтлар учун маълумотларни сақлаш соҳасида пешқадамлик қилмоқда. MySQL жуда тез ишлаши ва кенг доирадаги тармоқ андозаларини қувватлаши ундан компания ёки корхонанинг ахборот тизими учун асос сифатида фойдаланиш имконини беради.

«HTML, DHTML, Java Script, PHP» қўлланмасига келсак, ҳозирги кунда юксак динамикали замонавий сайтларни тайёрлашда қўлланилаётган технологиялар доимий равишда такомиллашиб, мураккаблашиб бормоқда. Одатдаги сайт пировард натижага эришиш учун кўплаб парадигмалар, архитектуралар ва технологик дастурлашдан фойдаланади. Яхлит манзарани кўрсатиш учун ушбу дастурда муштарий эътиборига Script, PHP, DHTML каби ва бошқа турли веб технологиялар бўйича материаллар ҳавола қилинган. Шу тариқа, мазкур



китобни ўрганиб чиққач, талабалар ўз ишланмаларида интерактив, динамик сайт тайёрлаш соҳасидаги сўнгги ютуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу ўқув қўлланмалари олий ўқув юр்தларининг талабалари учун дарслик сифатида ҳам, мустақил ўрганишни истовчилар учун қўлланма сифатида ҳам хизмат қилади. Ҳозирги вақтда ҳар бир дарслик 50 нусхадан чиқарилган бўлиб, улар Ўзбекистон Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ўқувчиларига тарқатилмоқда.

Китоб муаллифлари «LINUXга кириш ва маъмураштириш», «MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими», «HTML, DHTML, Java Script, PHP» ўқув қўлланмалари Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказига келгусида дастурий таъминот ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ёрдам беради, деб умид қиладилар.

### Алоқа учун

Биз донорлар ва ҳамма манфаатдор томонларни Ўзбекистон аҳолиси келажакига хизмат қиладиган лойиҳаларда иштирок этишга чақирамиз. Илтимос, қуйидаги ходимларимиздан бирига мурожат этинг.

#### Марина Тен

Дастур мутахассиси  
E-mail: [marina.ten@undp.org](mailto:marina.ten@undp.org)

#### Комила Раҳимова

Гендер масалалари бўйича мутахассис  
E-mail: [komila.rakhimova@undp.org](mailto:komila.rakhimova@undp.org)

#### Евгений Абдуллаев

Ҳуқуқий масалалари бўйича бўлим мутахассиси  
E-mail: [evgeniy.abdullaev@undp.org](mailto:evgeniy.abdullaev@undp.org)

#### Анвар Умаров

Жамоатчилик билан алоқа бўйича ёрдамчи  
E-mail: [anvar.umarov@undp.org](mailto:anvar.umarov@undp.org)

#### Гульноза Абидова

Дастур ёрдамчиси  
E-mail: [gulnoza.abidova@undp.org](mailto:gulnoza.abidova@undp.org)

#### Равшан Назарқулов

Дастур мувофиқлаштирувчиси  
E-mail: [ravshan.nazarkulov@undp.org](mailto:ravshan.nazarkulov@undp.org)

#### Самарали бошқарув бўлими

БМТРД Ваколотхонаси  
Ўзбекистон, Тошкент, 100029  
Т. Шевченко кўчаси, 4-уй  
Тел: (998 71) 1206167  
Факс: (998 71) 1203485